
Фурқат туманидаги 10 та давлат мактабгача таълим ташкилотида “аутсорсинг” ва “кейтеринг” тизимлари жорий қилинади

Фарғона вилояти ҳокимининг қарорига асосан вилоятдаги ижтимоий соҳа муассасаларига ажратилган бюджет маблағларини талон-тарож қилинишини олдини олиш, муассасаларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ва соғлом овқатлантириш тизимини йўлга қўйиш мақсадида шаҳар ва туманлардаги муайян муассасаларда тажриба-синов тариқасида “аутсорсинг” ва “кейтеринг” тизимлари жорий қилиниши белгиланган.

Хусусан Фурқат тумани тиббиёт бирлашмаси ва тумандаги 5 та (17-, 25-, 26-, 37-, 43-сонли) давлат мактабгача таълим ташкилотида ҳам аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш ҳамда 5 та (7-, 6-, 5-, 4-, 1-сонли) давлат мактабгача таълим ташкилотида маҳсус жойларда тайёрланган таомларни етказиб бериш хизмат (кейтеринг)лари қўлланилади.

2021-12-10 22:24:38